

**Почта жўнатмаларини Ягона миллий тизимдан фойдаланган ҳолда йўллаш юзасидан  
4-сон ШАРТНОМА**

Тошкент ш.

«19» август 2022 йил

“Ўзбекистон почтаси” АЖ бундан буён “Бажарувчи” деб аталадиган, Устав асосида харакат қилувчи Бош директор в.б. А.Н.Файзуллаев бир томондан ва “Тошкент ИЭС” АДМ номидан, бундан буён “Буюртмачи” деб аталадиган, Низомга асосида иш юритувчи технидир. Юсупов Ф.М. иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар ҳақида туздилар ва имзоладилар.

### I. Шартнома шартлари

1.1. Ушбу шартномага биноан “Буюртмачи” турли хил хат-хабарларини, хабарномаларини, чакирав қоғозларини ва бошқа юридик ҳужжатларини (бундан буён матнда почта жўнатмалари деб аталади) электрон шаклда Ягона миллий тизим орқали тақдим этишни, ушбу почта жўнатмаларда олувчиларнинг манзил реквизитлари “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари”да белгиланган тартибда кўрсатилишини, электрон шаклда келиб тушган почта жўнатмаларини қофоз қўринишида чоп этиш, уни конвертга жойлаштириш ва олувчиларга етказиб бериш хизматлари учун хақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. “Бажарувчи” Ягона миллий тизимдан электрон шаклда келиб тушган почта жўнатмаларини олувчининг манзилига яқин бўлган почта алоқаси боғламасида қофоз қўринишида чоп этиб, уни маҳсус конвертга жойлаштирган ҳолда олувчиларга белгиланган назорат муддатларида етказиб беришни, почта жўнатмалари етказиб берилганлиги ёки етказиб берилмаганлиги сабаблари ва бошқа маълумотларни мунтазам равишда Ягона миллий тизимга киритилиб борилишини ўз зиммасига олади.

### II. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари

#### 2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

“Бажарувчи”дан почта жўнатмаларини белгиланган назорат муддатларида олувчиларга етказиб беришни;

ҳар ойда жўнатилган ва етказиб берилган, шунингдек олувчиларга маълум бир сабабларга кўра етказиб берилмаган почта жўнатмалар бўйича ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этишни;

почта жўнатмалари етказиб берилганлиги ёки берилмаганлиги тўғрисида маълумотларни Ягона миллий тизимга ўз вақтида киритилиб борилишини талаб қилиш.

#### 2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

“Бажарувчи”га почта жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 9 октябрдаги 637-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан юбориш;

почта жўнатмаларда олувчиларнинг манзил реквизитлари тўлиқ ёзилиши; мазкур шартноманинг 5.3-бандида белгиланган тартибда “Бажарувчи”нинг хизмати учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш;

ҳар ойда бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактурани “Бажарувчи” томонидан топширилган вақтдан бошлаб 5 иш куни ичida имзолаш ва ушбу ҳужжатларнинг бир нусхасини “Бажарувчи”га қайтариш;

агар бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактурага эътиrozлар мавжуд бўлса, унинг сабабларини кўрсатган ҳолда “Бажарувчи”га З иш куни ичida қайтаради. Акс ҳолда, далолатнома қабул қилинган ва хизмат кўрсатилган деб ҳисобланади.

#### 2.3. “Бажарувчи”нинг ҳуқуқлари:

“Буюртмачи”дан ушбу шартномада белгиланган тартибда ва микдорда тақдим этилган хизматлар учун тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

почта жўнатмаларни етказиб бериш учун зарур бўлган манзил маълумотлари етгарли бўлмаган ёки нотўғри кўрсатилган тақдирда “Буюртмачи”дан почта жўнатмаларни қабул қилишдан бош тортиш (Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 83-банди);

агар почта жўнатмасида кўрсатилган манзил реквизитларга биноан олувчининг шахсан ўзига топширишнинг иложиси бўлмаса, у холда олувчининг вояга етган оила аъзоларига топшириш.

#### **2.4. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2020 йил 9 октябрдаги 637-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан почта жўнатмаларини қабул қилиш;

почта жўнатмалари Ягона миллий тизимга соат 12:00 гача келиб тушган тақдирда, шу куннинг ўзида чоп этиб, тегишли манзиллар бўйича юбориш, соат 12:00 дан кейин ёки дам олиш ва байрам кунлари келиб тушган тақдирда, кейинги иш куни чоп этиб, тегишли манзилларга юбориш;

почта жўнатмаларини олувчиларга белгиланган назорат муддатларида, жумладан Корақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида – Д+2 кун, Корақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги туман (шаҳар) марказларида – Д+3 кун, Бошқа аҳоли яшаш пунктларида – Д+4 кун ичida етказиб бериш (*Д-почта жўнатмаларни Ягона миллий тизим орқали қабул қилинган кун, назорат муддатларига дам олиш ва байрам кунлари кирмайди*);

ҳар ойда жўнатилган ва етказиб берилган, шунингдек олувчиларга маълум бир сабабларга кўра етказиб берилмаган ва қайтарилиган почта жўнатмалар бўйича ҳисоботларни ўз вақтида “Буюртмачи”га тақдим этиш;

ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-санасигача бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактурани “Буюртмачи”га тақдим этиш;

Ягона миллий тизимга почта жўнатмаларни етказиб берилганлиги ёки етказиб бермаганлиги тўғрисида маълумотларнинг ўз вақтида киритиб бориш;

олувчи ёки оиланинг катта ёшдаги аъзолари бўлмаганлиги сабабли кўрсатилган почта жўнатмаларини топширишнинг имкони бўлмагандан абонент почта қутичасига ёки абонент почта кутиси бўлмаган тақдирда олувчининг эшигига 22-шакл хабарномани қолдириш (Ушбу хабарнома почта жўнатмаларини олиш учун почта алоқаси обьектига олувчини таклиф этиш мақсадида қолдирилади);

почта жўнатмаларини олувчиларга етказиб беришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда етказиб берилмаганлик сабабларини кўрсатган ҳолда 20-шакл маълумотномани расмийлаштириш:

1 – олувчи вафот этган;

2 – олувчи (оиласи) кўрсатилган манзил бўйича яшамайди ёки вақтинча яшамайди;

3 – манзил тўлиқ (уйнинг рақами, аҳоли пункти, кўча номи ва бошқалар) кўрсатилмаган;

4 – олувчи почта жўнатмасини олишдан воз кечди;

5 – олувчи уйида бўлмаган, уйига хабарнома қолдирилган, почта жўнатмасини олиш учун почта алоқаси обьектига келмаган.

6 – кўрсатилган манзил аниқланмади;

7 – кўрсатилган манзил бўйича корхона топилмади.

Коғоз кўринишида чоп этилган почта жўнатмаларни қабул қилувчиларга етказиб беришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда почта жўнатмалари почта алоқаси боғламасида олти ой давомида сақланади.

Сақлаш муддати тугаганидан сўнг ҳужжатлар уларни жўнатган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг талабларига биноан қайтарилади, талаб қилиб олинмаган хат-хабарлар ва ҳужжатлар тегишли далолатнома тузилиб, йўқ қилинади.

### **III. Почта жўнатмалари сири**

Бажарувчи ягона миллий тизимга келиб тушган почта жўнатмалари сирини сақлаш мажбуриятини олади.

Ягона миллий тизимга келиб тушган почта жўнатмаларини сирини сақлаш мақсадида Бажарувчига қўйидагилар тақиқланади:

бошқа шахсга почта жўнатмалари хақидаги маълумотларни, шунингдек адресатларнинг манзиллари тўғрисидаги маълумотларни ошкор этиши;

почта жўнатмалари ва уларнинг мазмунига (жойланмасига) доир маълумотларни билиб олиши;

почта жўнатмаларининг мазмуни (жойланмаси) тўғрисида бошқа шахсни хабардор қилиши тақиқланади.

#### IV. Томонларнинг ўзаро алоқалари

4.1. “Буюртмачи” почта жўнатмаларини олувчининг манзил реквизитлари ёзилган 103-шакл рўйхат асосида Ягона миллий тизими орқали юборади.

4.2. “Бажарувчи” Ягона миллий тизимга электрон шаклда келиб тушган почта жўнатмаларини қофоз кўринишда чоп этади, уни маҳсус конвертга жойлаштиради ва олувчига етказиб беради.

4.3. Почта жўнатмасида олувчининг манзил реквизитлари “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари”нинг 83-банди талабларига мувофиқ бўлиши ва қўйдагиларни ўз ичига олиши керак:

- олувчининг номи (жисмоний шахслар учун – фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахслар учун – юридик шахснинг тўлиқ номи);

- вилоят номи;

- туман номи;

- қўчанинг номи, уй рақами, хонадон рақами;

- почта индекси;

- олувчининг телефон рақами.

Манзилда қисқартирилган номлар, шунингдек манзилга доир бўлмаган белгилар бўйласлиги керак.

4.4. “Буюртмачи” манзил реквизитларининг тўғри ёзилганлигига ҳамда почта жўнатмасининг жойланмасига жавобгар.

4.5. Почта жўнатмаларини қабул қилувчиларга қайта етказиб бериш жараёнида янги 103-ш. рўйхат тузилади ва “Буюртмачи”нинг биринчи 103-ш. рўйхатида белги қўйилади, белгиланган тарифларга мувофиқ хақ тўланади.

#### V. Нархлар ва тўлаш тартиблари

5.1. Шартноманинг суммаси ҚҚС билан 3 000 000 сўмни ташкил қиласди.

№	Хизматнинг номи	Микдори	Нархи ҚҚС билан	Жами ҚҚС билан
1.	Почта жўнатмаларини қофоз кўринишида чоп этиш, уни конвертга жойлаштириш ва олувчиларга етказиб бериш (уч дона босма варак)	500	6000 сўм	3 000 000

5.2. Агар босма варак сони учдан кўп булса, кейинги ҳар бир варак учун 200 сўм кўшилади.

Кўрсатилган хизматлар учун тўлов қўйдаги тартибда амалга оширилади:

5.3. “Буюртмачи” ушбу шартнома тузилган кундан бошлаб 10 (үн) иш куни давомида “Бажарувчи”нинг хисоб ракамига шартнома суммасининг 15 % микдорида олдиндан тўловни амалга оширади.

5.4. “Бажарувчи” ҳар ойнинг 5-санасига қадар “Буюртмачи”га бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактураси тақдим этилгандан сўнг “Буюртмачи” томонидан 10 иш куни ичидаги амалга оширилади.

5.6. “Бажарувчи”нинг айби билан хизматларни кўрсатиш имкони бўлмаса “Бажарувчи” олдиндан тўланган маблагни кайтариб беришни ўз зиммасига олади.

5.7. “Буюртмачи” тақдим этилган бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактурани 5 иш куни ичидаги имзолашиб ёки имзолашдан асосли рад этиш керак.

5.8. “Бажарувчи” “Буюртмачи”дан бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномага берилган эътиrozларни олган кунидан бошлаб 3 (уч) иш кун ичидаги кўриб чиқади. Агарда

берилган эътиrozлар билан рози бўлса “Бажарувчи” тақдим этган эътиrozларни инобатга олган ҳолда, бажарилган ишлар тўғрисида далолатномани тайёрлайди ва “Буюртмачи”га тақдим этади.

5.9. Агар “Бажарувчи” тақдим этилган эътиrozларга рози бўлмаса, ҳар бир Томоннинг вакилларидан иборат бўлган ишчи гурух тузилади ва улар 5 (беш) иш куни ичида ҳар бир Томондан бажарилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб чиқиб, текшириши лозим. Текширувдан сўнг ҳар икки томон учун бажарилиши мажбурий бўлган хулоса чиқарилади.

5.10. Бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома ва ҳисоб-фактура имзолангандан сўнг, “Буюртмачи” 3 (уч) иш куни ичида “Бажарувчи” билан ўзаро ҳисоб – китобларни амалга оширади.

5.11. Ўзбекистон Республикасида база ҳисоблаш микдори ошганида, шунингдек нарх ва тарифлар ўзгарганда “Бажарувчи” “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда почта жўнатмаларнинг етказиб бериш нархини ўзгартириш ҳукуқини ўзида саклаб қолади. Бундай ҳолларда Томонлар ушбу шартномага қўшимча келишув тузади.

5.12. Кўрсатилган хизматлар учун мазкур шартноманинг 5.1-бандида белгиланган суммадан ошган суммани “Буюртмачи”“Бажарувчи”га тўлаб бериш мажбуриятини олади.

## VI. Шартноманинг бажарилиши

6.1. Шартноманинг шартлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ равишда расмийлаштирилиши керак. Томонлар ўз зиммаларида олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган тақдирда, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

6.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад етишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

6.3. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш санаси ҳисоб-фактурани тақдим этиш санаси ва етказиб берилган почта жўнатмаларнинг хақиқий ҳажмлари тўғрисидаги тегишли ойлик солиштириш далолатномаларини имзолаш санаси ҳисобланади.

## VII. Коррупцион ҳолатлар

7.1. “Буюртмачи” ҳам, унинг ходимлари ёки вакиллари ҳам “Бажарувчи”нинг бирон бир ходими ёки вакилига совғалар ва бошқа кўнгилочар нарсалар, мукофотлар ёки чегирмалар бермайди (қабул қилмайди). Бундан ташкари, на “Буюртмачи”, на унинг ходимлари, вакили ушбу Шартнома бўйича “Бажарувчи”нинг вакили бўлиш ваколатига эга бўлмаган ҳар қандай ходими билан, “Бажарувчи” ҳам “Буюртмачи”нинг вакили бўлиш ваколатига эга бўлмаган ҳар қандай ходими билан тарафлар бир-бирини олдиндан ёзма равишида хабардор қилмасдан ҳеч қандай Мазкур шартномага қўшимча келишув тузмайдилар.

## VIII. Томонларнинг масъулияти

8.1. “Буюртмачи” “Бажарувчи”нинг хизматларини ўз вақтида олдиндан тўлаш ва якуний тўловнинг тўлиқлиги учун жавобгардир.

“Буюртмачи” “Бажарувчи”га кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаганда кечикирилган ҳар бир кун учун 0,4 % микдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиккан сумманинг 50 % дан ошмаслиги керак.

8.2. “Бажарувчи” “Буюртмачи”нинг олдида почта жўнатмасини олиш ҳукуқига эга бўлган олувчиларга ўз вақтида ва тўлиқ етказиб бериш учун жавобгардир. “Бажарувчи”нинг ходимларининг айби билан почта жўнатмалар ўз вақтида етказиб берилмаган тақдирда “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% микдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиккан сумманинг 50 % дан ошмаслиги керак.

8.3. Томонларнинг шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

## IX. Форс-мажор

9.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинадилар, агар улар фавқулотда вазият,

яъни бўрилган шароитларда фавқулотда ва муқаррар холатлар (форс - мажор) натижасида юзага келган бўлса.

9.2. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмайдиган Томон зудлик билан бошқа Томонга мажбуриятнинг бажаришга тўсқинлик қиласидиган холат тўғрисида ёзма равишда хабар бериши шарт. Фавқулотда вазиятлар тугагандан сўнг, Томон бу хақда бошқа Томонга хабар беришга мажбур.

## X. Мунозараларни ҳал қилиш

10.1. Шартномани бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш пайтида Томонлар ўртасида юзага келган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш, одатда музокаралар йўли билан ҳал этилади.

10.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ҳал қилиш тўғрисида иқтисодий судга мурожаат қилиш хукуқига эга.

## XI. Якуний қоидалар

11.1. Шартнома Томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бири томонидан унинг шартлари жиддий бузилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

11.2. Шартномага киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар факат ёзма равишда тузилган ва Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

11.3. Конунда белгиланган тартибда киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

11.4. Мазкур шартнома “Томонлар”нинг ваколатли шахслари имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабрга қадар амал қиласи. Томонларнинг ҳеч бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилиш тўғрисида, шартноманинг муддати тугашидан 30 кун олдин хабар бермаса, унинг амал қилиш муддати кейинги йилларга узайтирилган ҳисобланади.

11.5. Шартнома икки нусхада, ҳар бир Томон учун биттадан нусхада тузилади. Шартноманинг иккала нусхаси ҳам тенг юридик кучга эга.

## Томонларнинг хукукий манзиллари ва реквизитлари

### “БУЮРТМАЧИ”:

«TOSHKENT IES» AJ  
111219, Toshkent viloyati, Qibray tumani  
Tel: 71-236-60-21  
H/r 2021 0000 5001 1784 9001  
«O's. SQB» Sergeli filiali MFO 00403  
INN 200 605 388 OKED 35111  
QQS to'lovchining registratsiya kodи  
327060811339



Техник директор  
Р.М. Юсупов

Моиме шим. бўйига дир.  
Мизб босимизи -  
боси ҳисобли -  
биз чуб босимизи -  
АБТРБ босимизи -  
Юрикое.

### “БАЖАРУВЧИ”:

“O'ZBEKISTON POCHTASI” AJ

100000, Тошкент ш., Олой кўчаси, 1-йй  
Х/р: 20210000900155266001  
Банк: АТ “Алоқабанк” Баш оғиси  
Банк коди 00401  
СТИР 200 833 833  
ОКЭД 53100



Бош директор в.б.  
А.Н.Файзуллаев